
Туман ҳокими туркиялик инвесторларни қабул қилди

Туман ҳокими Дилшоджон Джалилов туркиялик инвесторларни қабул қилди. Қабул давомида LAVANTA TEXTILE эгалари трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариши, Россия, Исроил давлатларига экспорт қилишларини айтиб ўтишди. Туман ҳокими инвесторлар ишлаб чиқариш учун танлаган жойни бориб кўрдилар. Дастлаб бу ерда 120 та иш ўрни яратилади. Инвестор томонидан электр энергияси, газ таъминоти бўйича билдирилган муаммоларни соҳа мутасаддиларига бартараф этиш, бино олдини тезлик билан ободонлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2023-03-18 15:11:50